КУН МАВЗУЛАРИ

# Оралиқ сайловларда демократларнинг устунлиги Трампнинг Россия, Украина ва Эронга оид сиёсатига босимни кучайтириши мумкин

Noyabr 04, 2026




Қўшма Штатларда 3 ноябрь куни бўлиб ўтган оралиқ сайловларда Демократик партия Конгресс устидан назоратни қўлга киритди.

ВАШИНГТОН — АҚШдаги оралиқ сайловларда Демократик партиянинг ғалабалари Конгрессдаги кучлар нисбатини ўзгартириши кутилмоқда. Бу демократларнинг ҳукумат фаолияти устидан назорат ва қонунчиликка таъсир имкониятларини кенгайтириб, АҚШнинг Россия, Украина ва Эронга нисбатан сиёсатига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

АҚШнинг бир қатор йирик ахборот ташкилотлари прогнозларига кўра, 3 ноябрь куни мамлакат бўйлаб ўтказилган сайловларда демократлар қозонган ғалабалар натижасида Сенат ва Вакиллар палатасидаги назорат президент Дональд Трампнинг Республикачилар партиясидан демократлар қўлига ўтиши кутилмоқда.

Бу натижалар Конгрессдаги кучлар нисбатида жиддий ўзгариш бўлиб, демократларнинг федерал бюджет харажатлари, маъмурият фаолияти устидан назорат ва президент томонидан лавозимларга кўрсатиладиган номзодларни тасдиқлаш жараёнига таъсирини кучайтиради.

The New York Times газетасига кўра, Трамп сайлов натижаларини қабул қилиш ва демократлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирган. Газета Трампнинг қуйидаги сўзларини келтирган: "Демократлар билан ишлаймиз ва, биласиз, улар билан ҳамкорлик қилишни кутяпмиз. Эҳтимол, бирор келишувга эришармиз".

Трамп дипломатия ва ҳарбий амалиётлар борасида кенг ваколатларни сақлаб қолади. Айни пайтда республикачиларнинг қаршилиги ва президентнинг вето

ҳуқуқи демократларнинг сайловдаги ғалабаларини қонунчиликдаги ўзгаришларга айлантириш имкониятини чеклаши мумкин.

Сайлов АҚШ ва Исроилнинг Эрон билан уруши ҳамда Россиянинг Украинага кенг кўламли босқини давом этаётган, Вашингтоннинг Москвага нисбатан ёндашуви эса икки партия ўртасида келишмовчиликларга сабаб бўлаётган бир пайтда ўтди.

Янги таркибдаги Конгресс учун ташқи сиёсатдаги дастлабки синов Эрон билан уруш бўлиши мумкин.

Демократлар сайловолди кампаниясида энергия нархларининг ошиши ва иқтисодий ноаниқликнинг кучайишига ҳисса қўшган ушбу можарони тугатишни ваъда қилган эди. Ҳар икки палата устидан назорат уларнинг маъмурият фаолиятини текшириш, ҳарбий харажатларга эътироз билдириш ва ҳарбий амалиётларни чеклашга интилиш имкониятларини кучайтиради.

Конгресс ва ижро ҳокимиятида қарор қабул қилувчи расмийларга мунтазам таҳлилий маълумот бериб борувчи New Lines стратегия ва сиёсат институти дастур раҳбари ва катта таҳлилчиси Дания Арайсси Озодликка сайлов натижалари Трампни урушдан чиқишнинг дипломатик йўлини излашга ундаши мумкинлигини айтди.

"Сайлов натижалари, хусусан, демократларнинг Вакиллар палатаси ва Сенатда ғалаба қозонгани Трамп маъмуриятини урушдан чиқиш стратегиясини, айниқса, дипломатик воситалар ва музокаралар орқали амалга оширишга, албатта, ундайди", деди у.

Арайссининг айтишича, янги таркибдаги Конгресс январда иш бошлагач, демократлар можаро учун қўшимча маблағ ажратилишини тўсиши ва маъмурият қарорлари юзасидан текширувлар ўтказиши мумкин.




Унинг таъкидлашича, Теҳрон ҳам Трампнинг ҳарбий кампанияни давом эттириш учун сиёсий имкониятлари заифлашганини ҳисобга олиб, музокараларда ўзи учун

қулайроқ шартларга эришишга уриниши мумкин.

"Бу эронликлар қўшимча ён бериш учун босим остида қолмаслигини ҳам англатади", деди у.

Кўплаб таҳлилчилар демократларнинг йирик ғалабасига қарамай, унинг оқибатлари қандай бўлишини олдиндан аниқ айтиш қийинлигини таъкидлади.

Трамп олий бош қўмондон бўлиб қолади ва ҳарбий амалиётлар ҳамда дипломатия борасида катта ваколатларни сақлаб қолади. Аксарият республикачилар Эронга қарши ҳарбий кампанияни бу мамлакатнинг ядровий дастури ва минтақадаги таҳдидларига қарши курашиш учун зарур деб ҳимоя қилиб келган. Улар демократларнинг молиялаштиришни чеклаш уринишларига қаршилик кўрсатиши кутилмоқда.

Шунга қарамай, можаронинг иқтисодий оқибатлари маъмурият учун сиёсий муаммога айланди. Қисман Ҳурмуз бўғози атрофидаги узилишлар билан боғлиқ бензин ва дизель нархларининг ошиши демократларга аҳолининг кундалик харажатларини сайловолди кампаниясининг асосий масалаларидан бирига айлантириш имконини берди.

Янги таркибдаги Конгресс Пентагон ва мудофаа вазири Пит Ҳегсет фаолияти устидан назоратни ҳам кучайтириши мумкин. Маблағ ажратиш бўйича музокаралар эса Оқ уй билан янги зиддиятларга сабаб бўлиши эҳтимол.

Россиянинг босқинчи қўшинларини қайтариш учун тўрт йилдан ортиқ вақтдан бери АҚШ кўмагига таяниб келаётган Киев учун сайлов натижалари ҳам ноаниқлик, ҳам ишонч уйғотмоқда.

Конгрессда Украинани қўллаб-қувватлаб келган бир қатор таниқли қонунчилар лавозимини тарк этмоқда. Улар орасида Россияни очиқ танқид қилиб, Киевга ёрдам масаласида ўз партияси ва Оқ уй позициясига кўп бор қарши чиққан республикачи конгрессмен Дон Бейкон ҳам бор.

"Мен Рейган даври анъаналарига содиқ республикачиман ва Россиянинг Украинага босқинини эркин дунё олдидаги энг жиддий инқироз деб биламан", деди Бейкон 3 ноябрь куни Озодликка.

"Дўстимиз ва иттифоқчимизни янада қатъий қўллаб-қувватлайдиган 120-чақириқ Конгрессни сайлаймиз, деб умид қиламан", дея қўшимча қилди у.

Лавозимини тарк этаётган бошқа республикачи қонунчилар орасида Сенатдаги кўпчиликнинг собиқ етакчиси Митч Макконнелл, сенаторлар Том Тиллис, Билл Кэссиди ва Жон Корнин, шунингдек, конгрессмен Майкл Маккол ҳам бор. Уларнинг кетиши Москвага нисбатан қатъийроқ сиёсатни ёқлаб келган бир қатор нуфузли қонунчиларнинг Конгрессни тарк этишини англатади.

Шунга қарамай, АҚШдаги украинлар ташкилотлари Киевни қўллаб-қувватлаш ҳар икки партияга хос позиция бўлиб қолишига ишонишини билдирмоқда.

"Ушбу сайлов даврида Украинанинг энг йирик таянчларидан айрилаётган бўлсак-да, Конгрессда қоладиган тарафдорларимизни ҳам унутмаяпмиз. Украина бундан кейин ҳам ҳар икки партиянинг салмоқли қўллаб-қувватловига эга бўлишига умидимиз бор", деди Америка украинлари конгресс қўмитаси президенти Майкл Савкив Озодликка.

Савкив маъмуриятнинг яқинда Россияга қарши санкциялардан истиснога рухсат берган қарори ва дизель бўйича келишуви устидан Конгресс назоратини, Украинага хавфсизлик соҳасидаги ёрдамни оширишни ҳамда украиналик қочқинларнинг вақтинчалик ҳимоя мақомини узайтиришни устувор вазифалар сифатида санаб ўтди.

# 'We Escaped Hell': Oleshky Residents Reach Ukraine After Years In War-Torn City




1/9 Shaking with joy, relatives of Ukrainians who have endured years under Russian occupation with almost no food, water, or electricity rushed to greet their loved ones in tears in Chernihiv on October 31.

The evacuation of residents followed a localized cease-fire between Ukraine and Russia brokered by US first lady Melania Trump.

Dozens of buses carrying civilians left the war-torn town of Oleshky for the first time in more than four years on October 30, with people choosing whether to travel to Ukrainian- or Russian-controlled territory.

"АҚШ зулм остида қолаётган ёки ташқи тажовуз оқибатида бўйсундирилаётган халқларни ҳимоя қилишда жаҳон етакчиси бўлиб қолиши керак. Биз ўзимиз учун муҳим масалаларни илгари суриш мақсадида қайта сайланган ҳамда янги сайланган расмийлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз", деди у.

Сенатдаги республикачи сенаторларнинг ташқи сиёсат бўйича икки нафар юқори лавозимли маслаҳатчиси ҳам Озодликка сайлов Россияга қарши санкциялар жорий этиш борасида Конгресс босимини кучайтириши мумкинлигини айтди. Улар сенатор Линдси Грэм билан боғлиқ, яқинда кўриб чиқиш жараёнида илгарилаган санкциялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тилга олди. Грэмнинг июлда акаси тўсатдан вафот этгач, унинг ўрнига сенатор этиб тайинланган синглиси сайловда мағлуб бўлди.

Шу боис демократлар назоратидаги Конгресс Трампнинг Москва билан муросага мойилроқ муносабат ўрнатиш уринишларини қийинлаштириши мумкин. Айниқса, унинг маъмурияти санкцияларни янада юмшатишга интилса, шундай бўлиши эҳтимол.

Бироқ қонунчиларнинг имкониятлари ҳам чекланган. Трампнинг вето ҳуқуқи ва республикачиларнинг қаршилиги янги чекловлар жорий этиш ёки маъмуриятни Украинага ҳарбий ёрдамни кенгайтиришга мажбурлаш уринишларига тўсқинлик қилиши мумкин.

Сенат устидан назорат демократларга қонунчилик кун тартиби, қўмиталар текширувлари, шунингдек, маъмуриятдаги лавозимлар ва судьяликка кўрсатилган номзодларни тасдиқлаш жараёнига кўпроқ таъсир ўтказиш имконини ҳам беради.

Демократ сенатор Чак Шумер 2027 йилда Сенатдаги кўпчилик етакчиси лавозимига қайтиши кутилмоқда.

Озодлик радиоси © 2026 RFE/RL, Inc. | Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.